

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

КАДИРОВА БАРНО РАИМОВНА

**БЕЛГИ БИЛДИРУВЧИ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Кадилова Барно Раимовна

Белги билдирувчи лексемаларнинг лингвокультурологик

хусусиятлари 3

Кадилова Барно Раимовна

Лингвокультурологические особенности знакообозначающих

лексем 25

Kadirova Barno Raimovna

Lingvocultural peculiarities of sign denoting words 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

КАДИРОВА БАРНО РАИМОВНА

**БЕЛГИ БИЛДИРУВЧИ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil.209 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashgiv.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холманова Зулҳумор Турдиевна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исламжанова Хазифа
филология фанлари доктори, профессор

Қулмаматов Дўстмамат Саттарович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй). Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй). Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестер баённомаси).

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фил. ф. д., профессор

Қ.П.Содиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фил.ф. д., профессор

А.Қуронбеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фил.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилдаги маданий белгилар ифодаси, дунёни концепт асосида англаш, воқеликни номлашдаги ментал ёндашув таҳлилига бағишланган тадқиқотлар доираси кенгаймоқда. Тил тарихий тараққиёти давомида ижтимоий жараёни, ўзгаришларни ўзида акс эттириб боради. Оламнинг лисоний манзарасини ўрганиш халқларнинг яшаш ҳудуди, турмуш тарзи, ментал хусусиятлари ва миллий-маданий характерини ёритиш, этномаданий этика тамойилларини, ижтимоий муносабатлар, миллатлар орасидаги мулоқот кўринишлари, муомаланинг ахлоқий-маданий меъёрларини атрофлича таҳлил қилиш имконини яратади. Тил ва маданият муносабатини таҳлил қилиш, тил бирликларининг миллий-маданий хусусиятларни акс эттириш, миллий кадриятлар, анъаналарни ифодалаш даражасини аниқлаш маданиятлар муносабатга киришаётган бугунги глобал тараққиётнинг долзарб масалаларидан биридир.

Дунё тилшунослигида лингвокультурология, семантика, матншунослик масалаларига бағишланган тадқиқотлар кўлами кенгаймоқда. Белги билдирувчи лексемалар семантикаси, грамматик хусусиятлари; олам манзарасида воқелик, нарса-ҳодиса муайян атрибутларининг акс этиши, белги-хусусият нарса-ҳодиса, воқеликнинг муҳим қирраларини ажратиш омили сифатида юзага чиқиши; ҳар бир тилда специфик тараққиёт давомида объектив борлиқ сифатларини ифодаловчи лексемалар гуруҳининг шаклланиши; белги ифодаловчи лексемаларнинг номинатив функциялари, кадриятларни акс эттириш даражаси, денотатив маънолари ва коннотацияларига кўра турли маданиятларда ўхшаш ва фарқли жиҳатларга эга эканлигини аниқлаш каби устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Дарҳақиқат, «... бугунги давр юқори технологиялар, инновациялар замонидир. Дунёдаги ривожланган мамлакатлар ўз олдида нафақат кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни бозорга олиб чиқишни, балки чуқур билим ва илмий ютуқларга асосланган инновацион иқтисодиётга ўтиш вазифасини қўймоқда»¹. Ўзбек тилшунослигида белги билдирувчи сўзларнинг мулоқотдаги ўрни, қардош тиллардаги белги-хусусият лексемаларига муносабати, қардош бўлмаган тиллар лексемаларини чоғиштиришга бағишланган тадқиқотлар юзага келмоқда. Рус ва ўзбек тилларидаги белги билдирувчи лексемаларни таҳлил қилиш шу мулоқот воситаларига хос лексик-семантик хусусиятларни ёритишда, лисоний-маданий ўзига хосликларни ўрганишда, борлиқни мазкур тил соҳибларига хос лисоний воситалар орқали тасвирлашда ўзига хос аҳамиятга эга. Рус ва ўзбек тилларидаги белги билдирувчи лексемаларнинг лингвокультурологик хусусиятларини тадқиқ этиш, шу асосда белги билдирувчи лексемаларнинг ҳосил бўлишидаги семантик, лингвокультурологик жараёнларни изоҳлаш, оламнинг лисоний

¹ Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. — Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.-Б.168.

манзарасидаги турлича ёндашувларни асослаш, сўз семантикасидаги ўзгаришларнинг шахс омили, ижтимоий-иқтисодий, психологик муносабатлар билан алоқадорлигини таҳлил қилиш, реалия ва лақунар бирликларни аниқлаш тадқиқотимизнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослигида белги билдирувчи лексемалар, сифат ва унинг хусусиятлари ўрганилган, чоғиштирма аспектда тадқиқотлар олиб борилган.² Туркологияда сифат, унинг лексик-семантик, морфологик хусусиятлари тадқиқ этилган. Жумладан, ранг билдирувчи, белги-хусусият билдирувчи сўзларнинг семантик хусусиятлари А.Н. Кононов, Е.Койчубаев, Ф.Г. Исхаков, Ф.Абдуллаев, В.Костенко, А.Добринин ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган³. М. Содиқова ҳозирги ўзбек тилидаги сифатларни гуруҳлаб, даражаларини таснифлаган⁴. Ўзбек тилшунослигида З.М. Магруппов, А. Ғуломов, Н.Ширинова, Ф. Абдужабборова томонидан сифат даражалари, сифат лексемаларнинг таркибий хусусиятлари ўрганилган⁵. Рус ва ўзбек тилларини ҳамда ўзбек тилини бошқа тилларга

² Макеенко И. В. Семантика цвета в разноструктурных языках (универсальное и национальное): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Саратов, 1999. –20 с.; Абазова К. В. Языковая репрезентация цвета: лингвокультурологический аспект (на материале кабардино-черкесского, английского и русского языков): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Нальчик, 2009. – 21 с.; Денисова В. Л. Семантическое значение лексемы «红/ красный» в китайском и русском языках // Известия Южного федер. ун-та. Серия: Филологические науки. 2015. №1. 129–134 с.; Щитова О. Г., Дам Т. Н. Неисконная экологическая терминология в русском и английском языках // Филологические науки. Вопросы теории и практики. 2017. №5 (71): в 3 ч. Ч. 3. 170–172 с.

³ Кононов А.Н. О семантике слов *кара* и *ак* в тюркской географической терминологии // Изв. АН Тадж. ССР. Отделение общественных наук. Вып.V.–Душанбе, 1954.–84-85 с.; шу муаллиф. Семантика цветообозначений в тюркских языках. – Тюркологический сборник, М. 1978. –158-163 с.; Е.Койчубаев. Нецветовая сущность топонимических компонентов *ак*, *кара*, *кок*, *сары* географических названиях / В кн.: Всесоюзная конференция по топонимике. 1965. – 185 с.; Исхаков Ф.Г. Имя прилагательное. Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. II. Морфология, 1956. –15 с.; Абдуллаев Ф. А. Об интенсивной форме прилагательных в тюркских языках. Научные труды ТашГУ. – Ташкент, 1964; Костенко В.А. Имена прилагательные в современном татарском литературном языке. Дисс. ...канд. филол. наук. – Казань, 2002. – 90 с.; Добрынина А.А. Прилагательные современного алтайского языка, обозначающие черты человеческого характера. – Новосибирск, 2006. – 42 с.

⁴ Садыкова М. Слова, обозначающие цвет и окраску в узбекском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1963; шу муаллиф. Ҳозирги ўзбек тилида сифат. – Тошкент, 1974. – 61– 63 б.

⁵ Магруппов З.М. Степени сравнения прилагательных в узбекском языке. Дисс... канд. филол. наук.– Л.,1947; шу муаллиф. Сўз состави. От ва сифат.– Тошкент,1956; Ғуломов А.Ғ. Ўзбек тилида сифатнинг чоғиштирма

қиёслаб ўрганишга бағишланган тадқиқотлар амалга оширилган⁶. Шахс омилига асосланувчи антропоцентрик йўналиш соҳаси бўлган лингвокультурология масалаларининг моҳияти рус олимлари А.Е.Вежбицкая, В.В. Воробьев, Е.В.Бабаева, Л.Е.Вильмс, Н.В.Баришев, В.А.Маслова, З.У.Абдуалиева, Н.Ф.Алефиренко, З.К. Сабитова, И.А. Мурзинова, ўзбек олимлари Н.Маҳмудов, Д.Худойберганова, Ш.Усмановалар томонидан тадқиқ этилган⁷. Рус тилидаги белги билдирувчи лексемалар инглиз тилига қиёслаш асосида лингвокультурологик аспектда таҳлил этилган⁸.

Ўзбек тилидаги тадқиқотларда белги билдирувчи сўзлар лексик-семантик, морфологик аспектда ўрганилган. Рус ва ўзбек тилларидаги белги билдирувчи лексемалар лингвокультурологик йўналишда чоғиштирма аспектда тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида «Тилнинг ижтимоий, тарихий ва замонавий тараққиёти» мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий тадқиқот ишлари режасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади рус ва ўзбек тилларидаги белги билдирувчи лексемалар семантикасини чоғиштириш асосида универсалиялар ҳамда

даражаси. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари». – Тошкент, 1959. №2; Ширинова Н. Ўзбек тилида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш воситалари. – Филол. фан. ном...дисс. автореф. –Бухоро, 2010.–24

⁶ Мухамедова М.М. К вопросу о сравнительном изучении узбекского и русского языков. «Известия АН УзССР», 1950. №1; Зуфарова Г.З. Степени сравнения и сравнительные конструкции в современном английском и узбекском языках. Филол. фан. ном. ...дисс. – Ташкент, 1971; Абдужабборова Ф. «Кутадғу билиг»даги шахс белги-хусусиятини англлатувчи лексика. Филол. фан. номз...дисс. автореф. –Тошкент, 2011.–22

⁷ Вежбицкая А. Е. Язык. Культура. Познание / Пер. с англ., отв. ред. М.А. Кронгауз, вступ. ст. Е.В.Падучевой. – М.: Русские словари, 1996; Воробьев В.В. Теоритические и прикладные аспекты лингвокультурологии. Дисс. ...д-ра филол. наук. – М., 1996.–112 с.; Бабаева Е.В. Культурно-языковые характеристики отношения к собственности (на материале немецкого и русского языков): Дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 1997. – 207с.; Вильмс Л.Е. Лингвокультурологическая специфика понятия «любовь» (на материале немецкого и русского языков): Дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 1997. – 212 с.; Барышев Н.В. Национальная специфика лексико-семантических полей «Средства передвижения» в русском и английском языках: Дисс. ...канд. филол. наук. – Воронеж, 1999. –156с.; Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебник. – М., 2001; Alefirenko N.F. Linguocultural nature of mentality // Язык. Словесность. Культура. 1/2011; шу муаллиф. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка: Учебное пособие. 3-е изд. М. Наука, 2013. – 288с.; Сабитова З.К. Лингвокультурология: Учебник. – М.: Флинта, 2013.–524 с.; Мурзинова И.А. Эмблематичность образных характеристик лингвокультурного типажа «британская королева» в языковом сознании носителей британской лингвокультуры // Вестник ТГПУ (TSPU Bulletin). 2013. – №10. –138 с. Маҳмудов Н. Маърифат манзиллари. –Тошкент, 1999; шу муаллиф. Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – 3–16 б.; Худайберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2015. –240 б.; Usmanova Sh. Tarjimaning lingvomadaniy aspektlari. – Toshkent: Toshkent davlat sharqshunoslik instituti, 2015. – 192 б.; шу муаллиф. Lingvokulturologiya.-Toshkent, 2019.

⁸ Копачева А.Р. Концепт «белый цвет» в художественной картине мира: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Челябинск, 2003. –20 с.; Сергеева Д.В. Концепт «радость» в русском и английском языках (сопоставительный анализ на материале произведений Ф.М.Достоевского и Ч. Диккенса): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –М., 2004.– 22с.; Мишенькина Е.В. Национально-специфическая характеристика концепта «свет – цвет» в русской и английской лингвокультурной картине мира: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ярославль, 2006. – 22 с.; Талапина А.Б. Сопоставительное исследование русских и английских прилагательных «белый/ чёрный» и «white / black» в когнитивно-дискурсивном аспекте: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Екатеринбург. 2008. – 24 с.; Чистякова Г.В. Концепт «желтый» в лингвокультуре (на материале русской и английской лингвокультуры): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Кемерово, 2009.–22 с.

этномаданий хусусиятларни таҳлил қилиш, белги ифодалашнинг умумий ҳамда рус ва ўзбек тилларига хос моделларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

белги номларини шакллантиришда шахс омилининг ўрнини ёритиш;

рус ва ўзбек тилларидаги маданий концепт ифодаланган белги билдирувчи лексемаларни лингвокультурема сифатида таҳлил этиш;

рус ва ўзбек тилларидаги белги билдирувчи лексемаларда акс этган маданий универсалияларни аниқлаш;

рус ва ўзбек маданиятидаги олам манзарасининг миллий менталитет билан боғлиқ ифодасини ажратиш;

рус ва ўзбек тилларидаги белги билдирувчи лексемалар асосидаги барқарор бирикмалар семантикасини ёритиш;

белги билдирувчи лакунар ва реалия бирликларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини рус ва ўзбек тилининг изоҳли луғати, русча ва ўзбекча бадиий матндаги белги билдирувчи лексемалар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети рус ва ўзбек тилларидаги белги билдирувчи лексемаларнинг маданий семалари, универсалиялар ва этномаданий хусусиятлар таҳлилидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда чоғиштирма, анализ, синтез, тавсифий, статистик ва компонент таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

рус ва ўзбек тилларидаги белги билдирувчи лексемалар семантикасида шахс омили, тафаккури, маданий қарашлари ўз ифодасини топганлиги исботланган;

«қиёфа», «характер-хусусият», «руҳият» семали русча ва ўзбекча бирликлардаги универсал маданий семалар аниқланган;

чоғиштирилаётган тиллардаги белги билдирувчи лексемаларнинг лингвокультурема сифатидаги коннотатив функциялари далилланган;

белги-хусусият ифодалашнинг рус ва ўзбек тилларига хос моделлари ишлаб чиқилган;

белги ифодалашда рус ва ўзбек тилларига хос лакунар ва реалия бирликлардаги миллий-маданий ўзига хосликлар асосланган;

белги билдирувчи барқарор бирикмалар семантикасини шакллантиришда ядро бирликларнинг ўрни кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Тадқиқот материалларидан рус ва ўзбек тиллари грамматикаси бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни такомиллаштириш, изоҳли луғатлар тузишда фойдаланиш мумкин;

тадқиқот натижалари рус ва ўзбек тилларидаги белги билдирувчи лексемаларнинг миллий-маданий ўзига хослигини очиб беришга хизмат қилади; тадқиқотдаги таҳлиллар белги билдирувчи лексемаларнинг коннотатив хусусиятларини ёритишда манба бўлади;

рус ва ўзбек тилларидаги белги билдирувчи лексемалар изоҳи ўзбек тили ахборот услуби ва таржима дастурлари учун материал ҳисобланади;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий маълумотларнинг ишончли назарий манбалардан олинганлиги, амалга оширилган таҳлиллар

қиёсий таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти рус ва ўзбек тилларидаги белги билдирувчи лексемаларнинг лингвокультурологик хусусиятлари таҳлил қилинганлигида, белгини ифодалашдаги умумий ва специфик хусусиятлар мисоллар асосида ёритилганида намоён бўлади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Олий таълим тизимидаги «Лингвокультурология», «Ўзбектили», «Социолингвистика», «Ҳозирги ўзбек тили», «Амалий тилшунослик» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда манба бўлиб хизмат қилади. Тадқиқот материалларидан рус гуруҳларидаги ўзбек тили фанига оид дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий мажмуа тайёрлашда материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Белги билдирувчи лексемаларнинг лингвокультурологик хусусиятларини тадқиқ этиш асосида:

бадий матнда мавжуд бўлган белги билдирувчи лексемаларнинг лингвомаданий аспектдаги таҳлили натижасида олинган илмий хулосалардан А-1-197 рақамли «Ёшлар маънавиятини шакллантиришда Алишер Навоий педагогик қарашларининг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 октябрдаги 89-03-3648-сон маълумотномаси). Тадқиқотдаги Алишер Навоий асарларидан келтирилган белги-хусусият билдирувчи лексик бирликлардан мазкур лойиҳанинг «Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш»да истифода этилган. Натижада ижодкорнинг белги-хусусият билдирувчи сўзлардан фойдаланиш маҳорати кенг ёритилган;

«қиёфа», «характер-хусусият», «руҳият» семали русча ва ўзбекча бирликлардаги универсал маданий семалар бўйича илмий хулосалардан Ўзбекистон рус маданий маркази томонидан лексик-грамматик бирликларни ўрганишда фойдаланилган (Ўзбекистон рус маданий марказининг 2019 йил 10 сентябрдаги 02-175-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари рус ва ўзбек тилларидаги белги билдирувчи лексемаларнинг лингвокультурологик хусусиятлари билан танишиш ва бу йўналишдаги илмий билимларни оширишга хизмат қилган;

фёъл-атвори ифодаловчи зулмқаш, зарқпараст, золим, мунбасит каби ҳамда ранг билдирувчи лексемалар, қора,оқ ранглари семантик таҳлилидан ИТД-А-1-118 рақамли «Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш» мавзусидаги амалий лойиҳа ижроси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 октябрдаги 89-03-3554-сон маълумотномаси). Диссертациянинг илмий натижалари тегишли луғавий бирликларнинг изоҳланишида асос бўлиб хизмат қилган;

шахс фёъл-атворини билдирувчи ва ранг ифодаловчи лексемалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали ДУК «Маънавий-маърифий ва бадий эшиттиришлар» тахририяти томонидан тайёрланган «Бедорлик» радиоэшиттириши сценарийсида фойдаланилган

(Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 15 мартдаги OZ/Q-1-42-сон маълумотномаси). Натижада шахс феъл-атвори ва ранг ифодаловчи лексемаларнинг бадиий матндаги вазифаларига оид маълумотлар кейинги эшиттиришлар учун ҳам манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4та халқаро, 15 та республика илмий-амалий анжуманида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган республика илмий нашрларида 10 та ва хорижий журналда 4 та, жами 26 та илмий мақола ва тезис нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган, умумий ҳажми 134 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти кўрсатиб ўтилган, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

«**Белги билдирувчи лексемалар тадқиқи**» деб номланган биринчи бобнинг биринчи параграфида «Белги билдирувчи лексемаларнинг лингвистик аспектдаги тадқиқи»га доир маълумотлар келтирилган. Белги билдирувчи лексемаларга оид илмий изланишлар таҳлил қилинган.

Белги билдирувчи тушунчалар кишилиқ жамиятида тилнинг шаклланиш жараёни билан боғлиқ. Инсон олам манзарасини тилида ифода этар экан, даставвал, нарса-буюмларнинг бирор белгиларига – ташқи кўриниши, ранги, агрегат ҳолати, шаклига эътибор қаратган. Шу боис воқелиқни номлашда белги билан боғлиқ тушунчалар ҳам акс этади.

Қайд этиш керакки, белги билдирувчи сўзлар илмий адабиётларда ҳар хил тавсифланган. *Белги* кенг ва тор маънода қўлланадиган термин. *Белги* кенг маънода – моддий, ҳиссий равишда идрок этиладиган предмет, воқеа ёки ҳаракат хусусияти. Белги тор маънода сифат сўз туркумига нисбатан қўлланган.⁹ Ўзбек тили грамматикасига оид манбаларда *белги* термини остида сифат билан бир қаторда от, сифатдош, равиш, равишдош кабиларни тушуниш ҳам мавжуд. Тадқиқотимизда «белги билдирувчи лексемалар» деганда терминнинг тор доирадаги маъноси – шахс, нарса-буюм, воқеа-ҳодиса (от лексемалар) хусусиятини ифодаловчи бирликлар назарда тутилди.

Дунё тилшунослигида, шу жумладан, рус тилшунослигида белги билдирувчи лексемалар тадқиқ этилган. Г.Мухаммадин ўз тадқиқотида рус тилидаги *аслий* ва *нисбий* сифатларнинг маънолари ва уларнинг характери

⁹ Содикова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифат. – Тошкент: Фан, 1974. -3 б.; шу муаллиф. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент, 1975. –257 б.

хусусиятларини кўрсатган¹⁰. Туркологияда белги билдирувчи сўзлар тадқиқига бағишланган бир қатор ишлар мавжуд. А.Н.Кононов туркий тилларда белги билдирувчи лексемаларнинг, хусусан, ранг ифодаловчи сўзларнинг тадқиқи билан шуғулланиб, *қора* ва *оқ* лексемаларининг семантик жиҳатларини талқин қилган. Нарса-буюм, воқелик ранг асосида номланганини ҳам кўрсатиб ўтган. *Қора* сўзи жасорат ва кучлилиқ синоними сифатида қўлланганини қайд этган¹¹. А.Кононов туркий тиллардаги ранглар семантикасига доир мулоҳазаларини кейинги ишларида ҳам давом эттирган.¹² Туркологияда сифат, унинг маъно гуруҳлари, ранг билдирувчи лексемалар семантикасига доир тадқиқотлар олиб борилган¹³. Ранг билдирувчи лексемаларнинг топонимлар таркибидаги семантикаси, лисоний-маданий хусусиятлари ёритилган¹⁴.

Белги билдирувчи лексемаларни қиёсий аспектда тадқиқ қилишга доир изланишлар олиб борилган. Т.Қурбонниёзов қорақалпоқ ва ўзбек тиллари материаллари асосида ҳолат билдирувчи сифатларни қиёслаб ўрганган. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *қаттиқ* ва қорақалпоқ тилидаги «қатти» лексемаларининг семалари, уларнинг турлари, семани намоён қилувчи лисоний ҳодисаларни шарҳлаган. Ишда ҳолат сифатларининг семантик, стилистик хусусиятлари тадқиқ этилган.¹⁵

Ўзбек тилшунослигида ҳам белги билдирувчи сўзлар тадқиқига бағишланган ишлар мавжуд. М.Содиқова, З. Мамаражабова, А. Ҳошимов, З. Пардаев, А. Ғанихўжаевлар белги билдирувчи сўзларни турли аспектларда тадқиқ этишган. М.Содиқова сифатларнинг маъно турларига бағишланган монографик тадқиқотида ҳозирги ўзбек тилидаги сифатларни семантик жиҳатдан гуруҳлаб, даражаларини таснифлаган¹⁶.

Бир қатор илмий ишлар белги билдирувчи сўзларга ва уларни чоғиштириб тадқиқ этиш масалаларига бағишланган.¹⁷

Г.Матчанова ўзбек ва рус тилларидаги ранг ифодаловчи сўзларнинг лексик-грамматик хусусиятларини ўрганган. Асосан, белги-хусусият билдирувчи сифатларни таҳлил қилган. Шахс феъл-атворини билдирувчи лексемалар семантикасини ёритган¹⁸. С.Ғиёсов ўзбек ва рус тилларидаги ҳолат

¹⁰ Мухаммадин Г. Особенности качественно - характеризующих значений прилагательных в современном русском языке. – Ташкент, 1998. – 40 с.

¹¹ Кононов А.Н. О семантике слов *кара* и *ак* в тюркской географической терминологии // Изв. АН Тадж.ССР. Отделение общественных наук. Вып. V. – Душанбе, 1954. – 83-85 с.

¹² Кононов А.Н. Семантика цветообозначений в тюркских языках / Тюркологический сборник. –М., 1978.–158-163 с.

¹³ Исхаков Ф. Г. Имя прилагательное. Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. II.Морфология. -М., - 195 б.

¹⁴Койчубаев Е. Нецветовая сущность топонимических компонентов *ак, кара, кок, сары* в географических названиях. -В кн.: Всесоюзная конференция по топонимике. 1965.– 185 с.

¹⁵ Курбонниёзов Т. Ҳозирги ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги ҳолат билдирувчи сифатларда кўп маънолилиқ.– Тошкент, 1996. – 156 б.

¹⁶ Садыкова М. Слова, обозначающие цвет и окраску в узбекском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1963.

¹⁷ Копачева А.Р. Концепт «белый цвет» в художественной картине мира: Автореф. дисс. ... канд. филол.наук. –Челябинск, 2003. – 16 с.; Аюпян К.В. Прилагательные со значением ментальности в системе английского и русского языков. – М.,2005. – 20 с.; Сергеева Д.В. Концепт «радость» в русском и английском языках (сопоставительный анализ на материале произведений Ф.М.Достоевского и Ч. Диккенса): Автореф. Дисс. ... канд. филол. Наук. –М., 2004. – 24 с.

¹⁸ Матчанова Г. Грамматические особенности степени сравнения имен прилагательных в узбекском языке, способы их выражения в русском языке. –Ташкент, 1975. – 26 с.

сифатларининг лексик-семантик хусусиятларини систем-структур жиҳатдан таҳлил қилган, дифференциал семаларини изоҳлаган¹⁹. Р.Иноятова тадқиқотида сифатларнинг ясалиши, лексик-семантик гуруҳларга ажратилиши, инсон характер-хусусиятини билдирувчи сўзларнинг семантик функцияси, рус ва ўзбек тилларидаги семантик гуруҳларни таққослаш, шунингдек, лексик эквивалентлик муаммолари бўйича фикрлар билдирилган²⁰.

Бобнинг иккинчи параграфида «Белги билдирувчи лексемаларнинг лингвокультурологик аспектдаги тадқиқи» масалалари ёритилди.

Тадқиқотда Н.Алефиренко²¹, З.Сабитова²², В.Маслова²³, Н.Маҳмудов, Д.Худойберганава, Ш.Усманова каби олимларнинг лингвокультурология масалаларига бағишланган ишлари ҳақида тўхтаб ўтилган.²⁴ Ўзбек тилшунослигида тил бирликларининг белгилик (семиотик) табиатига бағишланган тадқиқотлар қайд этилган²⁵. Ўзбек олимлари томонидан дунё тилшуносларининг, хусусан, Уорф-Сепир, Гумбольдт ҳамда А.Вежбицкаянинг лингвокультурологияга берган таърифлари, фикрларидаги асосий моҳият талқин этилгани таъкидланган²⁶.

Белги билдирувчи сўзларни лингвокультурологик аспектда ўрганиш бу сўзларни семантик жиҳатдан чуқурроқ таҳлил қилишни тақозо этади. Белги билдирувчи сўзларнинг лисоний-маданий тадқиқи куйидагилар билан белгиланади:

белги билдирувчи лексемалар нарса-буюм номланган дастлабки даврларга алоқадор бўлиб, денотатни миллий тафаккурга хос акс эттириш хусусиятини намоён қилади;

ҳар бир халқ денотат, нарса-ҳодиса белгисини ўзига хос тарзда илғайди. Бир миллат муайян нарса-буюмни бошқа нарса-буюмга қиёслаган ҳолда, бошқа бир миллат унинг рангини, бошқа бири эса шаклини дастлабки планга қўяди;

белги билдирувчи лексемалар орасида ранг-тус ва белги-хусусият билдирувчи сўзлар нисбатан кўп миқдорни ташкил этади. Рус ва ўзбек

¹⁹ Фиёсов С. Ўзбек ва рус тилларидаги ҳолат сифатларининг лексик, семантик хусусиятлари. – Тошкент, 1983. – 8-12 б.

²⁰ Иноятова Р. Словообразование и лексико-семантика прилагательных соотносительных тематических групп узбекских и русских языков. – Ташкент, 1998. – 25 с.

²¹ Алефиренко Н. Ф. Лингвокультурология: ценностно - смысловое пространство языка: Учебное пособие. 3-е изд. - М.: Флинта: Наука, 2013. – 288 с.

²² Сабитова З.К. Лингвокультурология. Учебник. – М.: Флинта, 2013. – 524 с.

²³ Маслова В.А. Новые русские пословицы: когнитивный и лингвокультурологический аспекты // Вестник Новгородского государственного университета им. Ярослава мудрого. – Новгород, 2014.- № 77. – 35-39 с.

²⁴ Маҳмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. – №3. – Б. 3–12; Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – 3–16 б.; Худайберганава Д.С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2015. – 240 б.; шу муаллиф. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – Б. 41; Usmanova Sh. Tarjimaning lingvomadaniy aspektlari. – Toshkent: Toshkent davlat sharqshunoslik instituti, 2015. – Б. 192.

²⁵ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси Давлат миллий нашриёти, 2008. – 235 б.; шу муаллиф. Семантика. – Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси Давлат миллий нашриёти, 2013. – 340 б.; шу муаллиф. Лингвистика дискурса. – Челябинск: ЧРУК, 2018. – 315 с.; Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. – Тошкент: Фан, 2008. – 47 б.; Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик тадқиқи. Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 49 б.; шу муаллиф. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 172 б.; Раҳимова М. Сўзнинг белгилик муаммолари. Филол. фан. ... фалс. док.-ри (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2019. – 49 б.

²⁶ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, 2006. – 65 б.

миллатининг ранг ҳамда белги-хусусият, феъл-атвор билдирувчи сўзлар билан боғлиқ қарашлари, урф-одатлари, анъаналари ўзига хосдир.

Фаол кўлланадиган лингвокультурологик тушунчалардан бири концептдир. Ш. Сафаров концепт ҳақида гапирар экан, «Концепт ҳам тафаккур бирлиги ва унинг асосида тушунча, образ ва лисоний маъно умумлашмаси ётади. Концептнинг шаклланиши индивидуал образ туғилишидан бошланиб, лисоний бирликнинг пайдо бўлиши билан тугайди», – деган фикрларни келтиради²⁷. Концепт семалар асосида шаклланади. Тадқиқотимизда белги билдирувчи лексемалар семалар асосида таҳлил этилди. Сема концептни шакллантирувчи семантик тушунчадир. Тадқиқот жараёнида лексик бирликларга лингвокультурема сифатида ёндашилди.

Ўзбек тилидаги белги билдирувчи лексемаларга доир айрим статистик маълумотлар келтирилган. Хусусан, Р. Иноятова «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» асосида инсонга хос ҳолат билдирувчи сўзлар сони 550, предметга хос ҳолатни билдирувчи сифатлар 780 ва турли ҳодисаларнинг белгиларини билдирувчи сифатлар 420тани ташкил этишини айтиб ўтган²⁸. З.Мамаражабова «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» дан тўпланган 1000га яқин белги билдирувчи сифатлардан характер-хусусият англатувчи сифатлар 20% (540та)ни ташкил этишини таъкидлаган. Булардан 200 таси ижобий, 270 таси салбий, 70 таси нейтрал маъноли сифатлар эканини қайд этган²⁹.

Тадқиқотимиз давомида «Толковый словарь русского языка» луғати асосида рус тилида шахс ташқи-қиёфасини ифодаловчи лексемалар 130, шахс феъл-атворини ифодаловчи лексемалар – 218, руҳий ҳолатини ифодаловчи лексемалар – 135; ранг билдирувчи лексемалар –110, маза-таъмни билдирувчи лексемалар – 15 ва ҳид билдирувчи лексемалар – 12тани ташкил этиши аниқланди³⁰.

Рус ва ўзбек тилларидаги белги билдирувчи лексемалар шахс белги-хусусияти ва нарса-буюм белгисини ифодаловчи лексемаларга ажратиб таҳлил қилинди.

Иккинчи боб «Рус ва ўзбек тилларидаги шахс белги-хусусиятини билдирувчи лексемаларнинг лингвокультурологик хусусиятлари» деб номланиб, унда шахс белгисини билдирувчи лингвокультуремалар «қиёфа», «характер-хусусият», «руҳият» семалари асосида таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларига кўра ҳар икки тилда шахс белгиси, айнан ташқи қиёфаси, характер-хусусияти, руҳиятини ифодаловчи лингвокультуремалар кўп кўлланганлиги кузатилди.

«Қиёфа» семали лексемалар. Рус ва ўзбек тилларидаги шахс ташқи кўриниши, қиёфа концептига оид лингвокультуремалар ижобий ва салбий семаларига кўра ажратилди.

Рус тилида шахс ташқи кўриниши, қиёфасини ифодаладиган «ижобий қиёфа» (положительный внешний вид) семали лексемалар *красивый, стройный,*

²⁷ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, 2006. – 17-18б.

²⁸ Иноятова Р. Словообразование и лексико-семантика прилагательных соотносительных тематических групп узбекских и русских языков.– Ташкент, 1998. – 25с.

²⁹ Мамаражабова З. Ўзбек тилида сифатларнинг коннотатив маънолари. Филол. фан. ном. – Тошкент, 2004. –18б.

³⁰ Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка. – М.: Азъ.–1992.– 2153с.

сутулуй, високий, приятный, плечастый, стройный, прелестный, крупный, миловидный, высокий рост, чистый, тонкий стан, стройный, обаятельный, нежный, ласковый, красивый, опрятный, аккуратный, статный, приятный, благовидный, белолицый, возмужалый и.т.д. Шахс ташқи кўринишини ифодалайдиган «салбий қиёфа» («отрицательный внешний вид») семали лексемалар: *храмой, неопрятный, тусклый, низкий, сутулуй, бледный, небрежный, некрасивый, неухоженный, беспорядочный, неаккуратный, бугристый, безобразный*. Рус тилида салбий муносабатни билдирувчи лексемалар ўзбек тилидагига нисбатан кам миқдорни ташкил этди.

Рус тилида шахс қиёфасини тасвирлашда *шахснинг ҳаракат белгиси+шахс* моделидан фойдаланилади. Рус тилидаги шахсни ҳаракатига нисбатан сифатлайдиган *сутулуй* сўзининг варианты ўзбек тилида мавжуд эмас. *Сутулуй. Сутуленный, слегка сгорбленный. Сутулая спина. Сутулуй подросток. Сутулая походка – беспорядочное хождение* (БТСРЯ, 1292). Ўзбек маданиятида ҳам шахснинг шу сўз билан сифатланувчи ҳаракати кузатилади, лекин ҳаракат лексик бирлик билан номланмаган. Бу тушунчани «айиққа ўхшаб, лапанглаб, ҳаракатланувчи» бирикмаси билан ифодалаш мумкин. *Сутулуй* лексемасини ўзбек тилидаги лакуна бирлик сифатида ажратиш мумкин. Рус маданиятида ташқи кўринишни сифатлашда зоонимлар ҳаракати асос қилиб олинган.

Ўзбек тилидаги «ижобий қиёфа» семали лексемалар: *норгул, полвон, девқомат, баланд бўйли, паҳлавон, ҳусндор, кўҳлик, сулук, ҳурлиқо, хушрўй, гўзал, кўркам, кўҳлик, қотма, бежирим, чиройли, хушбичим, дилбар, келишган, бақувват, елкадор, гавдали, баланд бўйли ва ҳ.*

Ўзбек тилида кўзнинг гўзаллиги, жозибадорлигини *қуралай* зооними билан сифатлаш мавжуд: «...ичкаридан гўё юзи сут билан сугорилгандек оқ, қуралай кўзи ойсиз ва булутлиқ кечасидан ҳам қорароқ... бир хоним хиромон чиқиб келди». ³¹Кўз тасвири учун келтирилган *қуралай* аслида «оҳунинг боласи» ни билдириб, унинг чиройли ва қора кўзларига берилган нисбатни ифода этади. *Қуралай* ҳозирги айрим туркий тилларда, жумладан, қирғиз, туркман тилларида ўз маъносида ишлатилади. *Қуралай* кўз ўхшатиши *ойсиз ва булутлиқ кечасидан ҳам қорароқ* лингвокультурологик ифодада мураккаб стилистик қурилма сифатида трансформацион жараённинг маданий таракқиёт босқичини намоеън этади. Кўзнинг қоралигини *ойсиз ва булутлиқ кечадан ҳам қорароқ* деб сифатлаш асосида «ниҳоятда қора» деган ортиқ даражадаги белги ифодаланган.

«Қиёфа» семасини ифодаловчи айрим сўзларнинг кейинги даврлардаги қўлланишида гендер хосланиш кузатилади. *Сулув, гўзал, соҳибжамол* сўзлари ҳозирда қизларнинг ташқи кўринишини ифодалайди. *Сулув*– «кўриниши ёқимли, чиройли, гўзал» (ЎТИЛ, III,468). Соф туркий лексема ҳисобланган *сулув* бирлиги *сулук* шаклида тил тарихининг маълум даврларида йигитларга нисбатан ҳам ишлатилган: – *Қайғирма, Офтоб, – деди, қуявинг бунчалик сулук бўлса, гап-сўзда тенги бўлмаса...* (ЎК, 48). Ҳозирда фақат қизларга нисбатан қўлланиши семантик торайиш, лексеманинг гендер хосланиши натижасидир. Бу ҳолатни *соҳибжамол* сўзи мисолида ҳам кузатиш мумкин. *Соҳибжамол* сўзи ҳам маълум

³¹ Қодирий А. Мехробдан чаён. – Тошкент, Ф.Фулом, 1992. –397 б.

даврда гендер жиҳатдан фарқланмаган, ҳар икки жинс вакиллари сифатлаб келган. Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»да Мавлоно Монийнинг ташқи кўриниши унинг ички дунёси билан мутаносиб эканини *соҳибжамол ва зариф сўзи орқали таърифлайди: Мавлоно Моний...соҳибжамол ва зариф ва раъно йигитдур.*³² Бу ўринда ўзбек тили белги билдирувчи лексемаларидаги гендер хосланиш семантик торайиш омили сифатида майдонга чиқади. Бу хусусият туркий тилларга, хусусан, ўзбек тилига хос лингвистик жараён дир. Ҳозирда эркак жинсига нисбатан қўлланадиган *ўғил* лексемаси ўзбек тили тарихий босқичларида «фарзанд» маъносида (қизларга нисбатан ҳам) қўлланган. *Соҳибжамол ва зариф* семантик қаторидаги *раъно* лексемаси ҳам сифатловчи вазифада келган. Ҳозирги ўзбек тилида мазкур лексема семантикасида шахс белги-хусусиятини ифодалаш семаси истеъмолдан чиққан.

Лабнинг *ёқут*, тишнинг *садаф* билан қиёсланиши ҳам ўзбек менталитетига хос дир: *Кумушбибининг сезилар-сезилмас кулимсирашидан ёқутдек иринлари остидан садафдек оқ тишлари кўриниб кетди, лекин бу ҳол тезгина тундликқа алишинди* (ЎК,28).

Ўзбек тилидаги белги ифодаловчи айрим лингвокультуремаларда «ижобий қиёфа» семасини ифодалаш халқ қадриятлари билан боғлиқ. Масалан, *истараси иссиқ* лингвокультуремасининг шаклланишида халқнинг *истара* (юлдуз) астропонимига бўлган муносабати, юлдуз билан боғлиқ қадриятлар, юлдузнинг инсон ҳаётида тутган ўрни муҳим аҳамиятга эга. Қиёфанинг бундай сифатланиши рус тилида кузатилмайди. *Истараси иссиқ – чехраси, кўриниши, юзи иссиқ, ёқимли; Истараси иссиқ йигит* (ЎТИЛ,II,337). Рус маданиятида бу тушунчанинг ўзи ҳам мавжуд эмас. Шунинг учун *истараси иссиқ*ни реалия бирлик сифатида баҳолаш мумкин.

«Қиёфа» семали шундай лексемалар борки, юз кўриниши билан бирга тана кўринишини ҳам акс эттиради: масалан, *кўркам, полвон, қотма, боласифат*. Бунда шахс ташқи кўринишини ифодаловчи лексемалар халқнинг ўзига хос қарашларини ифода этувчи лингвокультурема сифатида майдонга чиқади. Масалан, *полвон* лингвокультурема сифатида ўзбек халқига хос «алп қомат», «кенг елка», «бақувватлик» белгиларини ифода этади: *Мана, Мўтал полвон, ҳозир, оз бўлса ҳам шуни олиб турарсиз* (ЎК,191). *Кўркам* ҳам юз, ҳам гавда сифатини билдиради: *«Биз дуоғўй падарингиз», «ақлли киши, кўркам юзли, яхшигина кийинган «баобрў одам, доно, оқил аширофлардан»*(ЎК, 8). *Боласифат* сўзи шахснинг ташқи белгисини ёш жиҳатига кўра сифатлайди: *«Ўзини Зайнабка қараганда сиқик, ёш, боласифат кўрди.»* (ЎК, 269). Бу лингвокультуремалар ифодалаган тушунчалар рус тилида номланмаган.

Ўзбек тилидаги «қиёфа» семасини ифодалашда белгининг белгисини ифодалаш (белги+белги қолипи) хослиги маълум бўлди. Белги билдирувчи лексеманинг даражасини кўрсатувчи барқарор бирикмалар қўлланиб, лингвокультурологик концептни намоён этади. Масалан, *меҳрибон* лингвокультуремаси *«отанинг севимли боласига қарашидек», оқ* лингвокультуремаси *сут билан чайилгандек* барқарор бирикмаси билан бирга қўлланади.

³² Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I. – Тошкент: Фан, 1983.– 360 б. Диссертацияда шу манбадан олинган мисоллар АНАТИЛ қисқартмаси билан, саҳифаси кўрсатилган тарзда берилди.

Лингвокультуремадаги белги таъсирчанлигини ифодалаш учун фраземалардан ҳам фойдаланилади: «Оқи оқ–қизили қизил бўлиб турмоқ» фраземасида «ёшлик», «соғломлик», «гўзаллик» семалари ифодаланган. Фразема *олма* денотати белгилари асосида шаклланган ва «олма» концептини ифода этади. Ўзбек тилида «юзлари нақш олмадай», «қип-қизил олмадай» ўхшатишлари мавжуд. Бу фраземани лакунар бирлик сифатида баҳолаш мумкин. Фразема гендер жиҳатдан хосланган бўлиб, фақат қизларга нисбатан қўлланади. Фраземада ташқи кўринишнинг бир лексема доирасига сиғмаган концепти ифодаланган.

«Салбий қиёфа» семали лексемалар: *кўримсиз, хунук, бадбашара, чувоқ соқолли, букр, найнов, пачоқ, чўлоқ, чўтир, оқсоқ ва ҳ.*

Ўзбек тилидаги «қиёфа» концептини ифодаловчи моделлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: **зооним+шахс аъзоси:** *балиқ кўз, қўй кўз, қуралай кўз, бўтакўз, биткўз, қирғийбурун; предмет+шахс аъзоси:* *бодомқовоқ, супрақулоқ.*

Белги билдирувчи лексемаларнинг рус ва ўзбек маданиятидаги фарқи халқлардаги реалия, лакунар бирликлар билан изоҳланади. Масалан, ўзбекларда зулф ва унинг белгисини билдирувчи лексемалар: *анбар, қаро, «жим»* (араб алифбосидаги ҳарф) рус маданиятида кузатилмайди. *Бакенбард* ва унинг белгисини билдирувчи лексемалар ўзбек маданиятида учрамайди.

«**Характер-хусусият**» семали лексемалар. Бундай лексемалар, асосан, инсонларнинг табиати, характери, ўзини тутиши, хатти-ҳаракатларига кўра белгисини ифодалайди. «Характер-хусусият» семасини ифодаловчи лексемалар ҳам ижобий ва салбий семаларига кўра ажратилди.

Рус тилидаги «ижобий характер-хусусият» («положительный характер») семали лексемалар: *добрый, милый, смелый, доблестный, отважный, толковый, стойкий, мудрый, умный, благородный, красноречивый, бесстрашный, благоверный, благоразумный, бдительный, благодарный, верный, выносливый, добросовестный, дружелюбный, заботливый, зрелый, искренний, милосердный, неподкупный, душевный, смелый, открытый* и.т.д. «Салбий характер-хусусият» («отрицательный характер») семали лексемалар: *хитрый, двуличный, злой, жадный, жесткий, резкий, невежливый, вспыльчивый, ленивый, неверный, высокомерный, лживый, невнимательный, агрессивный, никчёмный, плохой, безответственный, бездарный, бесстыжий, гадкий, досадный, гнусный* и.т.д.

Ташқи кўриниш ҳамда феъл-атворни ифодалашда рус ва ўзбек тилларида ранг билдирувчи сўзлар семантикасида фойдаланилган.

Рус тилига хос ранг билдирувчи лексемалар семантикасини таҳлил қилиш айрим лексемаларнинг шу ўзак билан алоқадорлигини асослашда аҳамиятлидир. *Чёрный* лексемаси семантикаси асосида янги сўзлар шаклланган. Масалан, Пушкин ижодида «қора» маъносидаги *чёрный* сўзи семантикасидаги ўзгариш натижасида ясалган «чернявка» сўзи ишлатилган. Чернявка – смуглянка», яъни терисининг ранги буғдой рангидан қорага ўтиш рангида ёки қора рангда бўлган қиз, аёлга берилган сифат. Бу сўз шоир ижодида ташқи кўринишга мос бўлган фаолият, ҳаракатни ифодалаш учун қўлланган:

*Бросив зеркальце под лавку, позвала к себе Чернявку.*³³

Чернявка – шахсинг ташки кўриниши ва фаолияти, ҳаракати мутаносиб-лигини англатувчи сўз. Сўз семантикаси «қорача кўринишига эга бўлган қиз» дан «хўжайиннинг махфий, қора–разил мақсаддаги топшириқларини бажарувчи шахс» даражасига ўзгарган. Чёрный лексемаси семантикасининг ўзига хос тадрижи бадий матнда ўз ифодасини топган: ...*во время обеда черная кухарка и кучер просилирасчета.*³⁴ Бу мисолда «черная кухарка» сўз бирикмаси ўзбек тилига «ошхонада қора ишларни бажарувчи аёл» деб таржима қилиниб, бу бирикмада «қора» ранг кўчма маънода келган, чунки қора лексемаси семантикасида «паст табақадаги», «ўқимаган», «оғир юмушларни бажарувчи инсонлар тоифаси» тушунилган: чёрнорабочий – «қора ишчи», чёрный люд – «қора халқ», чёрный крестьянин – «қора деҳқон» каби.

Чёрная крестьянка (қора деҳқон аёл) бирикмасида чёрная «оддий», «камбағал», «паст катлам» семаларини ифодалайди:

*Не хочу быть чёрной крестьянкой,
Хочу быть столбовою дворянкой*³⁵.

Бу мисолда «чёрная крестьянка» бирикмаси шахслар ўртасидаги табақаланишни ифода этади.

Бадий матнда чёрный (қора) лингвокультуремаси салбий семада чёрная сила «қора кучлар»ни изохлашда кўлланилади:

*И зубы стиснув, пальцы сжавъ
Какъ обуянный силой чёрной...*³⁶

Рус адабиётида кўп учрайдиган Черномор антропоними чёрный семантикаси асосида юзага келган. Чёрный сўзи антропоним даражасига ўтишда ўзига хос трансформацион жараённи босиб ўтади:

Чёрный → Черное море → Черномор
Лексема → Гидроним → Антропоним

Рус адабиётида «Черномор» антропоними контраст характерга эга бўлиб, ҳам ижобий, ҳам салбий қаҳрамон қиёфасини гавдалантиради. Пушкин Черноморни ижобий маънода, яъни 33та денгиз паҳлавонига йўлбошчи, кўркем саркарда кўринишида тасвирлайди:

Все равны как на подбор
С ними их дядька Черномор...³⁷

Черномор салбий маънода гўзал қизларни ўғирловчи афсунгар кўринишида ҳам намоён бўлади:

Узнай, Руслан, твой оскорбитель
Волшебник страшный Черномор...³⁸

Рус тилидаги «чёрный» ва ўзбек тилидаги «қора» сўзларининг семантик майдонидаги коннотатив семалари бу тиллар турли оилаларга мансуб бўлишига қарамасдан, ўхшаш ҳисобланади. Сўз семантикасидаги «зулмат», «ёвузлик,

³³ Пушкин А. С. Сказка о спящей красавице и семи богатырях. – М., 1975. – 63с.

³⁴ Толстой Л.Н. Анна Каренина. – М., 1975. 1ж., – 1с.

³⁵ Пушкин А. С. Золотая рыбка. – М., 1975. – 74с.

³⁶ Пушкин А. С. Медный всадник. – С. Петербург, 1923. – 47с.

³⁷ Пушкин А. С. Сказка о царе Салтане, о сыне его славном и могучем богатыре князе Гвидоне Салтановиче и о прекрасной царевне Лебеди. – М., 1975. – 56с.

³⁸ Пушкин А. С. Руслан и Людмила. – М., 1985. – 19с.

«паст қатлам» семалари, шу семалар асосидаги коннотатив маъноларнинг шаклланиш тартиби умумийдир. Бу ҳолат турли миллат вакилларининг ёмонликка, ёвузликка муносабатлари бир хил эканлигидан далолат беради. Аммо, бу сўзларни қўллашда фарқли жиҳатларни ҳам кузатиш мумкин. Рус тилидаги чернявка сўзи семантикаси рус халқи дунё қараши, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, ижтимоий муносабатлари ҳақида тўлиқ тасаввур беради.

«Нотиқ» маъносидаги *красноречивый* лексемаси ҳам рус тилининг ўзига хос белги ифодаловчи лингвокультуремалардан ҳисобланади: *Вы очень красноречивы...*³⁹ Ушбу мисолдаги *красноречивый* культуремаси «чиройли гапирувчи», яъни «гапдон» маъносини англатади. *Красноречивый* лингвокультуремаси *красный* лексемасининг «чиройли» семаси асосида шаклланган. *Красная площадь, красиво* бирликларида ҳам шу сема реаллашади.

Рус тилидаги характер-хусусият билдирувчи баъзи сўзлар маъноси ўзбек маданиятида учрамайди. Масалан, *толковый* лексемаси луғатга нисбатан ишлатилиб, «изоҳли» деган маънони ифодалайди. *Толковый, -ая, -ое; -ые*. 1. Дельный, разумный; хорошо усваивающий что-н. *Толковый* помощник. *Толковый* ученик (БТСРЯ, 1875). Рус маданиятида йигитларга ва қизларга нисбатан қўлланиб, характер-хусусият белгисини ифода этади. *Толковый* лексемасининг семантикасида ёш жиҳатдан чегараланганлик белгиси мавжуд. Бу лексема, кўп ҳолларда, ёш йигит-қизларга нисбатан ишлатилади, ёши катталарга, кексаларга нисбатан қўлланмайди. *Толковый* сўзи ифодалаган тушунчани англатувчи лексик бирлик ўзбек тилида мавжуд эмас. Рус тилига характер -хусусият билдирувчи лексемаларнинг **сифат+от** модели хосдир.

Ўзбек тилидаги «ижобий характер-хусусият» семали лексемалар: *мулойим, меҳрибон, ювош, хушфёъл, хушчақчақ, хушмуомала, қўрқмас, ботир, шерюрак, довярак, мағрур, шўх, виждонли, гайратли, уддабурон, чаққон, ростгўй, инсофли, нозиктаъб, оққўнгил, сахий, содиқ, қатъий, жасур, мард* ва ҳ.к.

Ўзбек маданиятида шахс фёъл-атворида нуқсонли бўлмаган шахслар *фаришта* лексемаси билан сифатланади. «*Бу одам боласи эмас, фаришта*» (ЎК, 268). Шахснинг «фаришта»лиги *ақлли, хуш муомалали, мулоҳазали, меҳрибон, мулойим, бегуноҳ* ва *оқила* эканлигида намоён бўлади. Бу сифат шахснинг фаолияти ва ички дунёси мослигини ҳам ифода этади.

Ўзбек тилидаги белги билдирувчи сўзлар орасида ҳам гендер жиҳатдан фарқланадиган лексемалар учрайди. Масалан, «айтган сўзида турадиган, иши билан сўзи бир, уддабурон, шаддод» маъносидаги *чапани* йигитларга нисбатан қўлланса, «гўзал», «латофатли» маъносидаги *дилбар* аёлларга нисбатан қўлланади.»Салбий характер-хусусият» семали лексемалар: *маҳмадона, калондимог, аблах, қизганчиқ, бахил, гийбатчи, ичиқора, баджаҳл, қўрқоқ, сотқин, зикна, урушқоқ, инсофсиз, ноинсоф, золим, қўпол, адолатсиз, тамагир, ҳийлакор, риёкор* ва ҳ.к.

Ичи қора, қўланса сўзлик, дуогўй, огир-босиқ каби шахс харак тер-хусусиятини ифодаловчи лингвокультуремаларнинг сигнификатив ва

³⁹ Лермонтов М.Ю. Сочинения . Два брата. – М., Правда. 1988. 2т. – 247с. Бу манба кейинги саҳифаларда ДБ кўринишида бети кўрсатилган тарзда берилди.

лингвокультурологик хусусиятлари таҳлил қилинганда уларда денотатив маънодан ташқари маданий қарашларни акс эттирувчи коннотация ифодаланганини кўриш мумкин.

«Характер-хусусият» семасининг ўзбек тилига хос модели сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: **зооним+шахс**: *тулки одам, итфёъл*; **зооним+шахс аъзоси**: *шерюрак, итюрак, қуёнюрак*; **предмет+шахс аъзоси**: *тошюрак*. Характер-хусусият билдирувчи лексемалар сифатида зоонимларнинг кенг қўлланиши ўзбек халқининг чорвадорлик муҳити билан боғлиқ бўлиб, асосан, уй хайвонларининг номидан фойдаланилади. Зоонимлар характер-хусусият билдирувчи фраземалар семантикасида ҳам ядро вазифасини ўтайди: *илоннинг ёғини ялаган, ит эмган, эшак мия, аммамнинг бузоғи, қўй оғзидан чўп олмаган, бировнинг мушугини «пишт» демаган* ва ҳ.к.

